Сарҳисоб

Ислом Нури

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Сарҳисоб – нафсни ҳисоб-китоб қилиш ғоятда муҳим масала. Бахт-саодатга эришиш ва яхши натижаларни қўлга киритиш унга боғлиқдир.

Нафсни сарҳисоб қилиш жуда ҳам буюк иш. Зеро, нафснинг тузалиши фақатгина шу билан бўлади. Кимки бугунги кунда уни амалга оширса, эртага - Қиёматда хотиржам бўлади.

Сарҳисоб, бу: нафсингизга назар солиб, у ҳақида ўйлашингиз ва айбларини билишингиздир.

Сарҳисоб бўлмас экан, нажот ҳам топилмайди.

(يَوْمَ يَبْعَثُهُمْ اللَّهُ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُهُمْ بِمَا عَمِلُوا أَحْصَاهُ اللَّهُ وَنَسُوهُ وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ)

«(Ўша) **Кунда Аллоҳ уларнинг барчаларини қайта тирилтириб,** (дунёда) **қилган амалларининг хабарини берур. У** (амалларни) **Аллоҳ ҳисоблаб қўйган, улар эса унутиб юборганлар. Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир.»**[1]

Нафсни ҳисоб қилиш қуйидаги иборалар (далил-ҳужжатлар)ни тааммул қилишдан келиб чиқади:

(يَوْمَئِذٍ يَصْدُرُ النَّاسُ أَشْتَاتًا لِيُرَوْا أَعْمَالَهُمْ ۞ فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَه ۞ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَه)

«Ўша кунда одамлар, уларга (номаи) **аъмолларини кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар. Бас, кимки** (дунёда) **зарра мисқоличалик яхшилик қилса,** (қиёмат кунида) **ўшани кўрар. Кимки зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрар».**[2]

Сарҳисоб қилиш Аллоҳ таолонинг мана бу сўзининг таъсиридан келиб чиққан:

(يَوْمَ تَجِدُ كُلُّ نَفْسٍ مَا عَمِلَتْ مِنْ خَيْرٍ مُحْضَرًا وَمَا عَمِلَتْ مِنْ سُوءٍ تَوَدُّ لَوْ أَنَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَهُ أَمَدًا بَعِيدًا وَيُحَذِّرُكُمْ اللَّهُ نَفْسَهُ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ)

---

[1] «Мужодала»: 6.
[2] «Залзала»: 6-8-оятлар.

«Ҳар бир жон ўз қилган яхши ва ёмон амаллари (кўз ўнгида) **ҳозир қилинган Кун** (қиёмат)**да улар** (ёмон амаллари) **билан унинг ўртаси узоқ масофа бўлишини орзу қилади. Аллоҳ сизларни Ўзининг** (азобидан) **огоҳлантиради. Аллоҳ бандаларга меҳрибондир».**[3]

Нафсни ҳисоб қилиш охират кунига иймон келтириш ва у кунда Аллоҳ таоло барча халойиқни ҳисоб-китоб қилишига ишонишдан келиб чиқади. Зеро, Аллоҳ бизларни у кундан огоҳ этди.

(وَاتَّقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ)

«Ва (барчангиз) **Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди».** [4]

Нафсни ҳисоб қилиш Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларига ва албатта, Унинг ҳар бир нафс қилаётган амаллари устида текшириб турувчи, хабардор ва назоратчи эканига иймон келтиришдан содир бўлади. Албатта, У зот қилган амалларимизга ва барча бандаларининг амалларига гувоҳдир. Бизларга амалларимизни ёзиб турувчи улуғ фаришталарни муваккал қилиб қўйди.

(وَوُضِعَ الْكِتَابُ فَتَرَى الْمُجْرِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ وَيَقُولُونَ يَاوَيْلَتَنَا مَالِ هَذَا الْكِتَابِ لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا وَوَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا وَلَا يَظْلِمُ رَبُّكَ أَحَدًا)

«(Сўнг ҳар бир кишининг) **номаи-аъмоли** (ўз қўлига) **қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда** (битилган) **нарсалардан даҳшатга тушиб: «Ҳолимизга вой бўлсин! Бу қандоқ китоб-ки, на кичик ва на катта** (гуноҳни) **қолдирмай барчасини ҳисоблаб қўйибди»,- дейишларини кўрурсиз. Улар қилиб ўтган** (барча) **амалларини нақд ҳолда топурлар. Раббингиз ҳеч кимга зулм қилмас».** [5]

Нафсни ҳисоб қилиш – инсоннинг кўзланган мақсадга иймон келтириши ва унинг нима учун яратилганлигини билишидан келиб чиқади.

(أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ)

---

[3] «Оли-имрон»: 30-оят.
[4] «Бақара»: 281-оят.
[5] «Каҳф»: 49-оят.

«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!» [6]

(أَيَحْسَبُ الْإِنسَانُ أَنْ يُتْرَكَ سُدًى)

«Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилади деб ўйлайдими?!»[7]

Нафсни ҳисоб-китоб қилиш мўъминларнинг тутган йўли, муваҳҳидларнинг белгиси ва Аллоҳдан қўрқувчи тақводорларнинг унвонидир.

Аллоҳдан қўрқадиган мўъмин киши доимо нафсини сарҳисоб қилади ва гуноҳларига истиғфор айтади. У нафснинг хатари буюклиги, касали ваҳимали экани, макр-ҳийласи жуда катталиги, ёмонлиги қаттиқлиги, гуноҳ ва ёмонликларга буюрувчилиги, ҳавога ўта мойиллиги, жаҳолатга чақирувчилиги, ҳалокатга бошловчилиги ва ундан фақатгина Аллоҳ раҳм этган бандаларгина соғ-омон қолишини яхши билади. Шунинг учун у ҳавои-нафсига эргашиб қул бўлмайди. Агар кимда-ким нафсига эрк бериб, туғёнга кетса, албатта, унинг учун қиёмат кунида жаҳаннамдан ўрин берилади.

(فَأَمَّا مَنْ طَغَى ۞ وَآثَرَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ۞ فَإِنَّ الْجَحِيمَ هِيَ الْمَأْوَى ۞ وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ عَنْ الْهَوَى ۞ فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَى)

«Бас, ўшанда кимки (дунёда) **туғёнга кетган ва дунё ҳаётини** (охиратдан) **устун қўйган бўлса, у ҳолда фақат жаҳаннамгина** (унга) **жой бўлур! Аммо, кимки Парвардигорининг** (ҳузурида) **туриши** (ва ҳисобот бериши)**дан қўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина** (унга) **жой бўлур.»** [8]

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло бизларни нафсни ҳисоб қилишга буюради:

(يَاأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَلْتَنْظُرْ نَفْسٌ مَا قَدَّمَتْ لِغَدٍ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ ۞ وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ نَسُوا اللَّهَ فَأَنْسَاهُمْ أَنْفُسَهُمْ أُوْلَئِكَ هُمْ الْفَاسِقُونَ)

«Эй мўъминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва (ҳар бир) **жон эртанги кун** (Қиёмат) **учун нимани** (қандай амални) **тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. Сизлар Аллоҳни унутиб қўйганлар, бас** (шундан кейин

---

[6] «Мўъминлар»: 115.
[7] «Қиёмат»: 36-оят.
[8] «Ван-назиат»: 37-40-оятлар.

Аллоҳ) **уларга ўзларини ҳам унуттириб қўйган** (яъни, ўзларига охиратда фойда берадиган амаллар қилишдан юз ўгиртириб қўйган) **кимсалар каби бўлмангиз! Ана ўшалар фосиқ** (итоатсиз) **кимсалардир.»**[9]

Бу оятдаги «қарасин»дан мурод – «фикр қилсин»дир.

Шайх Абдурраҳмон Саъдий раҳимаҳуллоҳ ушбу оят ҳақида бундай дедилар:

«Бу ояти карима банда ўзини сарҳисоб қилиши тўғрисидаги асл ҳужжатдир. Шунинг учун банда доимо ўзини текшириб туриши лозим. Агар унда бирон-бир нуқсон-хатони кўрса, дарҳол уни тарк этиши ва холис тавба қилиши ҳамда ана шундай ёмонликларга етакловчи сабаблардан юз ўгириш билан тузатиши керак. Агар у Аллоҳ таолонинг буйруқларидан бирини бажаришда ўз нафсини қосир деб кўрса, унга бор кучини сарфлаб, парвардигоридан шу ишни тамомига етказишда ёрдам беришини сўраб ҳаракат қилиши лозим. Унга Аллоҳ таоло ато этган неъматлари билан ўзининг Аллоҳ таоло ҳаққида қосирлик-бепарволик қилаётгани ўртасини қиёслаб кўриши лозимдир. Мана шу нарса унда ҳаёни пайдо қилади. Маҳрум бўлишнинг энг ёмони банда бу ишдан ғафлатда қолиб, Аллоҳни унутган, Уни зикр этишдан ғофил бўлган ва ҳавои-нафсларига берилиб, натижада ҳеч бир нарсага эриша олмаган, балки, устига-устак Аллоҳ таоло ўзларига фойда берадиган амалларни ҳам қилишдан унуттириб қўйган ва у дунёю бу дунё зиёнкорлардан бўлган қавмларга ўзини ўхшатишидир.»

Банда токи ўзини астойдил ҳисоб-китоб қилмагунича тақводор кишилар даражасига ета олмайди.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинадики, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу у кишига ўлим олдидан: «Инсонлар ичида Умардан кўра менга севимлироқ бўлган киши йўқ» - деб айтиб, сўнг: «Мен нима дедим» - деб қайтадан сўрадилар. Шунда Оиша у кишининг айтган сўзларини қайтардилар. Абу Бакр: «Менга Умардан кўра азизроқ бирон кимса йўқдир» - деб айтдилар. Қаранг, сўзларини тугатганларидан сўнг, у

[9] «Ҳашр»: 18-19-оятлар.

ҳақида фикр қилиб, ўрнига бошқасини алмаштирдилар. Чунки у киши бунисини афзалроқ, муносиброқ ва гўзалроқ деб кўрдилар.

Ҳасанул Басрий роҳматуллоҳи алайҳи айтадилар:

«Мўъмин киши ўз нафсига бошчидир. Аллоҳ учун уни сарҳисоб қилади. Дунёда нафсларини сарҳисоб қилган қавмларга охиратда ҳисоб-китоб енгил бўлади. Аммо бу бошчиликни нафсни ҳисоб қилмасдан олган кимсаларга қиёмат кунида ҳисоб-китоб машаққатли бўлади.»

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар:

Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу бир куни кўчага чиқдилар ва мен ҳам у киши билан чиқдим. Ҳатто у киши девор билан ўралган бир боғ ичига кириб кетдилар. Шунда мен девор ортидан у кишининг: «Эй мўъминларнинг амири, огоҳ бўл! Аллоҳга қасамки, Аллоҳдан тақво қилсанг қилдинг, бўлмаса У сени албатта азоблайди» - деган сўзларини эшитдим.

У киши ўз нафсларига нисбатан «Мўъминларнинг амири» деб хитоб қилишлари билан бу унвон ҳам Аллоҳ таолонинг ҳузурида у кишидан ҳеч бир нарсани беҳожат қила олмаслигини эслатмоқдалар.

Ҳасанул Басрий раҳимаҳуллоҳ Аллоҳ таолонинг **«Ва Мен маломатгўй нафсга қасам ичурман[10]»** деган сўзида шундай дедилар: *«Мўъмин киши доимо ўз нафсини койиб-тергаб туради: мен бу сўзимдан нимани мақсад қилдим, емишимдан нимани ирода қилдим, буни не мақсадда ичдим? - каби… Фожир эса нафсини койимасдан бепарво ўтиб кетаверади.»*

Маймун ибн Меҳрон айтадилар:

«Тақводор киши нафсини золим султондан ҳам, очкўз шерикдан ҳам кўра қаттиқ сарҳисоб қилади».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутбатул ҳожада шундай дер эдилар:

إِنَّ الْحَمْدَ لِلَّهِ نَسْتَعِينُهُ وَنَسْتَغْفِرُهُ وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شُرُورِ أَنْفُسِنَا وَسَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا (رواه الترمذي)

«Ҳамду сано Аллоҳ учундир. Ундан мадад сўраймиз, унга истиғфорлар айтамиз ва нафсларимизнинг шарридан ҳамда

[10] «Қиёмат»: 2-оят

амалларимизнинг ёмонлигидан Аллоҳ таолонинг паноҳига қочамиз».[11]

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умумий суратда нафснинг ёмонлигидан ва ундан келиб чиқадиган амалларнинг ёмонлигидан ҳамда унинг ортидан келиб чиқадиган азоб-уқубатларнинг ёмонлигидан паноҳ тиладилар. Мана шу сабабдан қиёмат куни эгасининг юзини қаро қиладиган бу ёмон амал ва ана шу ёмон амалга буюрувчи бу ёмон нафсни сарҳисоб қилиш керак.

Кимда-ким нафсини ўз вақтида сарҳисоб қилмас экан, ҳисоб-китоб қилишдан йўқотган нарса миқдорича яхшиликни қўлдан бой беради. Шунинг учун мусулмон киши нафсини ҳаром ишлардан ва шубҳали нарсалардан асрамоғи керак. (Хишом захроний)

Хусусан аҳли илм кишилар, агар илмларига таяниб, нафсларини сарҳисоб қилишдан ғафлатда қолсалар уларга илмлари фойда бермайди. Чунки, илм амал учун гўё жанг қилувчининг қуроли ўрнидадир. Агар уни ишга солмаса, ёнида турганидан не фойда? Бу тарафдан оми ёки жоҳил инсон улардан афзалдир! Чунки улар, ўзларини қосир деб ҳис қиладилар ва доимо ўзларини сарҳисоб қилиб турадилар.

Аммо, баъзи илми ҳаддидан ошириб юборган кимсалар, илмларига суяниб ҳисоб-китобни тарк этадилар. Бунинг сабаби, улар шу илм сабабли ўзларини бошқалардан юқори деб биладилар. Шу сабабли бошқаларни сарҳисоб қилиб, ўзларини унутишади. Натижада қабоҳат кучайиб, айблар зоҳир бўлади. Ўрталарида ҳасад, ҳавои нафсга эргашиш ва фатволарда танозулга кетиш, хато қилиш каби иллатлар авж олади.

Шу сабабли олимлар ва толиблар бошқалардан кўра нафсларини қаттиқроқ ҳисоб-китоб қилмоқлари зарур. Улар нафсларини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари ўзларига ҳам бошқаларга ҳам фойда. Агар нафсни ҳисоб қилишни тарк этишса, ўзлари ҳам адашишади, бошқаларни ҳам адаштиришади. Жоҳил одамга ҳеч ким эргашмайди. Нафс кишини ҳаддан ошишга ва дунё ҳаётини ихтиёр қилишга чақиради. Парвардигор эса, бандани ўзидан қўрқишга ва нафсни ҳаводан тийишга

[11] Имом Термизий ривояти.

даъват этади. Қалб эса икки чақирувчининг ўртасида. Гоҳида бу чақирувчига мойил бўлса, гоҳида бунисига мойил бўлади. Айни мана шу жараён имтиҳон ва синов ўрнидир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда нафсни уч хил сифат билан сифатлади:

1. Хотиржам-сокин нафс.
2. Маломатгўй нафс.
3. Ёмонлик-гуноҳга буюрувчи нафс.

Агар нафс Аллоҳга сокин бўлса, Унинг зикри билан ором олса, унга инобат қилса-қайтса ва У билан кўришишга муштоқ бўлса, демак, у «хотиржам нафс»дир. Ана ўша нафсга вафот топаётган паллада шундай хитоб қилинади:

(يَاأَيَّتُهَا النَّفْسُ الْمُطْمَئِنَّةُ ۞ ارْجِعِي إِلَى رَبِّكِ رَاضِيَةً مَرْضِيَّةً ۞ فَادْخُلِي فِي عِبَادِي ۞ وَادْخُلِي جَنَّتِي)

«Эй хотиржам-сокин жон, сен (Аллоҳ ато этган неъматлардан) **рози бўлган** (ва Аллоҳ таоло томонидан ҳам) **рози бўлинган ҳолда Раббинг** (ҳузури)**га қайтгин! Бас,** (солиҳ) **бандаларим** (сафи)**га киргин! Ва Менинг жаннатимга киргин!**» [12]

Мўмин – нафси Аллоҳнинг ваъдасига ишонган, Аллоҳ хабар берган нарсаларни тасдиқ этган кишидир. Хотиржам-сокин нафс – Аллоҳни ўзининг Рабби деб иймон келтирган, Унинг буйруқларига ғайрат ила итоат этган ва Унга йўлиқишга ишонган нафсдир. (Бу Ибн Аббос, Қатода, Ҳасан ва Мужоҳидларнинг сўзларидир.)

Унинг (яъни, хотиржам-сокин нафснинг) қаршисида ёмонлик-гуноҳга буюрувчи нафс туради. У ўз эгасини залолат ва ноҳақликдан иборат шаҳвоний йўлларга эргашишга буюради. Бу нафс барча ёмонликларнинг боши, манбаидир.

Аслида нафс золим, жоҳил қилиб яратилди. Фақат Аллоҳ раҳм қилган нафсларгина бундан мустасно холос. Инсон золим ва ношукрдир.

(وَاللَّهُ أَخْرَجَكُمْ مِنْ بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ لَا تَعْلَمُونَ شَيْئًا)

«Аллоҳ сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарсани билмаган ҳолингизда чиқарди». [13]

---

[12] «Вал-фажр»: 27-30-оятлар.
[13] «Наҳл»: 78-оят.

Ҳа, Аллоҳ таоло шу билан бирга уларда агар ҳақни бузувчи ташқи тасиротлардан холи ҳолда уларга кўндаланг қилинса, қабул қилувчи табиий ҳилқатни барпо қилди.

(فِطْرَةَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا)

«Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини англангиз!» [14]

Бу таълимсиз нафс жоҳил ҳолда қолаверади. Агар уни тарбия қилмай ташлаб қўйилса, туғёнга чақиради ва ёмонликка мойил бўлади. Адолат ҳамда илм аслида унда мавжуд бўлмаган, балки кейин ҳосил бўлган нарсалардир.

Ёмонлик-гуноҳга буюрувчи нафсдаги зулмнинг сабаби ё илмсизлик, ёки, муҳтожликдир. Шу сабабдан, агар Аллоҳ раҳматига олмаса тинмай эгасини ёмонликлар қилишга чорлаб туради. Мана шундан билинадики, албатта банда доимо Парвардигорига муҳтождир.

(إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوءِ إِلا مَا رَحِمَ رَبِّي)

«Нафс – агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса – албатта, барча ёмонликларга буюрувчидир».[15]

Албатта инсон нафсини ёмонликлардан тийиши учун Парвардигорининг ёрдамига муҳтож. Банданинг Парвардигорига муҳтожлиги унинг емак-ичмакка ва нафас олишга бўлган эҳтиёжидан кўра устунроқ туради.

Аммо маломатгўй нафс - эгасини яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам маломат қилади. Ҳаттоки, қиёмат куни, агар яхши инсонлардан бўлса, қаршисида турган жаннатнинг турли даражаларини кўриб, хайрли амаллардан кўпроқ қилмагани учун ва агар у ёмон инсонлардан бўлиб қолган бўлса, дўзах олдида қилган ёмон амаллари учун нафсини маломат қилади.

Демак, маломат қилиш нафснинг бир сифати. Нафс гоҳида ёмонликларга буюрувчи, гоҳида маломатгўй ва гоҳида хотиржам-сокин бўлар экан. Бундан чиқди, инсонлардан фалончининг нафси доимо хотиржам, ёки доимо ёмонликка буюрувчи бўлиши шарт эмас. Айрим пайтларда бундай, бошқа пайт ўзгача бўлиши ҳам мумкин. Нафснинг кўпроқ вақт бўладиган ҳолатига қараб ҳукм қилинади.

---

[14] «Рум»: 30-оят.
[15] «Юсуф»: 53-оят.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу нафсни сарҳисоб қилишда бепарво бўлишдан ва қиёмат куни ҳалокатга етаклашидан огоҳ этиб, машҳур бир сўзни айтган эканлар:

«Ҳисоб-китобга тортилишингиздан олдин ўзларингизни сарҳисоб қилиб олинглар ва тарозига қўйилишингиздан аввал ўзларингизни (яъни, амалларингизни) ўлчаб олинглар. Чунки, бугун нафсларингизни сарҳисоб қилишингиз эртанги кундаги ҳисоб-китобда сизга енгиллик бўлади».

Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қиладилар:

عَنْ عَائِشَةَ قالتْ قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ حُوسِبَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عُذِّبَ (رواه مسلم)

Росулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам: ***«Кимда-ким ҳисобга тортилса, бас у азобга дучор бўлибди!»*** *- деб айтдилар.*[16]

Осон ҳисоб-китоб қилинган киши нажот топади ва ўзининг жаннатдаги аҳли оиласига шоду ҳуррам ҳолда қайтади. Аммо оғир-қаттиқ ҳисоб-китоб қилинган ва ёмон азоб билан азобланган кимсаларнинг бундай оғир ҳолатга тушишларига сабаб ўзларини аввалдан сарҳисоб қилмаганларидир.

Ҳасанул Басрий роҳматуллоҳи алайҳи айтадиларки:

«Албатта банда яхшилик устида бардавом бўлади. Модомики нафсидан унинг учун панду-насиҳатчи бўлса ва сарҳисобга аҳамият берса».

Маймун ибн Меҳрон айтадилар:

«Нафс хиёнаткор шерикка ўхшашдир. Агар уни сарҳисоб қилмасанг, молингни олиб кетади».

«Сарҳисоб»нинг таърифи:

Луғатшунос Ал-Мовардий «сарҳисоб» сўзига истилоҳий маъно бериб, жумладан шундай деди:

«Инсон кеч кирганда кундузги қилган амалларини кўздан кечириши, агар яхши, мақтовга лойиқ бўлса, давом эттириб, яна унга ўхшашидан эргаштириши ва агар нолойиқ амал бўлиб, тузатишнинг имкони бўлса, тўғрилаб, имкони бўлмаса, кетидан уни ўчириш учун яхшисини эргаштириши ва келажакда унга ўхшашини қилишдан тийилишидир.»

---

[16] Имом Муслим ривояти.

Ибнул Қоййим раҳимаҳуллоҳнинг айтишларича нафсни ҳисоб-китоб қилиш икки навдан иборат бўлади:

Биринчи нав. Амал қилишдан олдин.

Иккинчи нав. Амал қилгандан кейин.

Биринчиси: Нафсни амал қилишдан олдин ҳисоб-китоб қилиш нафсдаги мақсад, хоҳиш-истак ва ҳис-туйғуларни текширишдан иборат. Шунинг учун амалга киришишдан олдин бу амалнинг фойдали ёки фойдасизлигини сарҳисоб қилмоқ зарур. Агар фойдали бўлса, унга киришади. Агар фойдасиз бўлса, уни тарк этади.

Шунинг учун Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ айтганларки:

«Ҳис-туйғуси олдида тўхтаб сарҳисоб қилган бандани Аллоҳ раҳм қилсин! Агар Аллоҳ учун бўлса, унга киришади ва агар Ундан бошқаси учун бўлса, ортга қайтади ва унга амал қилмайди».

Сарҳисоб қилишнинг бу нави амалларнинг ихлос билан бажарилишида муҳим ўрин тутади. Усиз амаллар бирор фойда келтирмайди. Бу сарҳисоб нафсни махфий ширкдан асрашда жуда муҳимдир. Катта ва кичик ширклардан сақлаши билан бир қаторда махфий ширкдан ҳам асрайди. Нафс ширкка одатланиб қолмаслиги ва риё ботқоғида боқий бўлмаслиги учун шу ўринда банда амалга киришишдан олдин нафсини сарҳисоб қилишда муҳтож бўладиган тўртта мақомни эслаб ўтамиз:

1. У амални қилишга қудрати етадими? (Агар қудрати етмаса, вақтни зое қилмаслик учун уни тарк этади).

2. Уни амалга ошириш тарк этишдан яхшими?

3. Уни Аллоҳ учун қилмоқчими?

4. Уни бажаришга ким ёрдам беради? Маълумки ёрдамни фақат Аллоҳдан сўралади: **«Сенгагина ибодат қиламиз ва сендангина мадад сўраймиз.»** [17]

Иккинчиси: Нафсни амалдан кейин сарҳисоб қилиш.

У уч навдан иборат.

1. Аллоҳ таолонинг ҳаққи бўлган тоат-ибодатда қосирлиги учун ўзини ҳисоб-китоб қилиш. Мисол учун: Намозда ҳушуъ-хузуънинг йўқлиги,

[17] «Фотиҳа»: 5-оят.

рўзани баъзи гуноҳлар билан аралаштириб ташлаш ёки ҳажда гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилиш каби.

Ёки ибодатни қандай суратда адо этди? Тўғри бажардими? Суннатга мувофиқми? Камчилиги борми? – каби нарсаларда.

Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатдаги ҳаққи олти ишдан иборат:

- Амалда ихлосли бўлиш.
- Унда Аллоҳ учун насиҳат қилиш.
- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш.
- Уни чиройли ва пухта қилиш.
- Ушбу оламдаги Аллоҳ таолонинг унга берган неъматларини ва албатта бу яхши амалга муваффақ бўлиши, унга куч-қудрат топиши Аллоҳ тарафидан эканини эътироф этиш.
- Яхши амални бажаргандан кейин ҳам ўзининг ожизлигини тан олиш. Чунки, сиз қанчалик Аллоҳ учун амал қилманг, барибир қосир-ожиз бир бандасиз.

2. Бажаришдан кўра тарк қилиш яхшироқ бўлган амал учун сарҳисоб қилиш. Бу гуноҳлар учун ёки афзалини қўйиб, афзал бўлмагани билан машғул бўлиш каби. Мисол учун: Тунги намоз (таҳажжуд) билан машғул бўлиб, бамдод намозига ухлаб қолиш. Ёки энг афзал зикрларни қўйиб, бошқаси билан машғул бўлиш.

Росулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам аёлларидан бирлари бўлмиш Жувайрия розияллоҳу анҳога дедилар:

قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقَدْ قُلْتُ بَعْدَكِ أَرْبَعَ كَلِمَاتٍ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ لَوْ وُزِنَتْ بِمَا قُلْتِ مُنْذُ الْيَوْمِ لَوَزَنَتْهُنَّ سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ خَلْقِهِ سُبْحَانَ اللَّهِ رِضَا نَفْسِهِ سُبْحَانَ اللَّهِ زِنَةَ عَرْشِهِ سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادَ كَلِمَاتِهِ (رواه مسلم)

«Сенинг ҳузурингдан чиқиб кетганимдан сўнг тўртта калимани уч бор айтдим. Агар уларни сен айтганлар билан тенглаб солиштириб кўрилса, уларнинг барчасидан оғир келади: Аллоҳ таолога маҳлуқотларининг адади (сони)ча поклик бўлсин, Аллоҳ таолога ўзи рози бўладиганича поклик бўлсин, Аллоҳ таолога аршининг вазнича поклик бўлсин, Аллоҳ таолога сўзларининг сиёҳларича поклик бўлсин.»[18]

[18] Имом Муслим ривояти.

3. Одатий мубоҳ ишни нима учун қилганини сарҳисоб қилмоқ. У билан Аллоҳни ирода қилдими ёки Охират ҳовлисиними? Ёки фойдани қўлдан бой бериб, унга шунчаки амал қилдими? Шундай қилиб нафсингни мубоҳ ишларда ва урф-одатларда ҳам сарҳисоб қиласан. Уларга амал қилишда сенга яхши ният ҳамроҳ бўлдими ёки шунчаки бажардингми?

Нафсни сарҳисоб қилишдан муҳим фойдалар келиб чиқади. Қиёмат куни инсон уларга муҳтож бўлади. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салам:

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَفَقَةُ الرَّجُلِ عَلَى أَهْلِهِ يَحْتَسِبُهَا صَدَقَةٌ (رواه أحمد)

«Албатта кишининг ўз аҳлига савоб умидида инфоқ қилаётган нафақаси ҳам садақа ўрнида бўлади[19]» - деб хабар бердилар.

[19] Имом Аҳмад ривояти.

Нафсни сарҳисоб қилишни қаердан бошлаймиз?

Ибнул Қоййим раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Аввало фарз амаллардан бошлаш керак. Агар уларда нуқсонни кўрса, дарҳол тузатишга киришади. Сўнг, таъқиқлар, яъни, ҳаром қилинган амалларга ўтади. Агар улардан айримларини қилиб қўйганини билса, тавба, истиғфор ва гуноҳларни ювиб ташловчи яхши амалларни қилиш билан хатосини тўғрилайди. Сўнгра яратилишидан бўлган мақсаддан ғафлатда қолганига ўзини сарҳисоб қилади. Агар у ўзини яратилишидан мақсад қилинган нарсадан ғофил бўлган ҳолда кўрса, дарҳол уни зикр ҳамда Аллоҳга қайтиш билан тузатади ва нафсини тилнинг сўзлари, оёқларнинг юриши, қўлларнинг ушлаши, кўзларнинг кўриши ва қулоқларнинг эшитиши каби аъзолар амали учун бу сўзни не мақсадда гапирдим, ким учун қилдим ва қандай суратда бажардим деб сарҳисоб қилиши керак.

Нафснинг қосирлиги (ноқислиги) туфайли касб этган ҳаром амаллари ўрнига фарз, вожиб ва мустаҳаб амалларга бўйсундириш билан жазолаш муҳимдир.»

Ажабланарлиси шундаки, инсон ўз қулини, чўрисини, аҳли-аёлини, хизматкорини, ҳайдовчисини, қўл остидаги ишчисини ёмон хулқи ва камчилиги туфайли жазолаши мумкин. Лекин ўзини ёмон амаллари учун жазолай олмайди.

Жазо-уқубатлар нимадан иборат?

Жазо-уқубатдан мақсад, сиз ўзингизни тоат-ибодатларга мажбурлашингиздир. Бунга ўтган салафи-солиҳлар қандай қилиб ўзларини жазолаганлари ҳақидаги мисоллардан келтирамиз:

- ❖ Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу аср намозига жамоатдан кеч қолганликлари учун қиймати икки юз минг дирҳам бўлган ерни садақа қилиб юбориш билан ўзларини жазолаган эканлар.
- ❖ Ибн Умар розияллоҳу анҳумо агар бир вақт намозни жамоат билан ўқий олмасалар, ўша кечани бедор ўтказар эканлар. Бир куни шом намозини сал кечиктирганликлари сабабли иккита қулни озод қилган эканлар. Ҳолбуки, ҳали намоз вақти чиқиб кетмаган эди.
- ❖ Ибн Аби Робийъа бамдод намозининг икки ракаат суннатини ўқий олмаганликлари учун бир қул озод қилган эканлар.

Олий нафс эгалари бўлган салафлар наздида камчилик вожибни тарк этиш ёки ҳаром ишни қилишда эмас, балки камчилик бирон-бир вожиб ёки мустаҳаб амални бажара олмасликда, мисол учун, ўзларига одат қилиб олган вирд (суннатга мувофиқ вазифа)лар ёки зикрларни тўла қила олмасликда бўлган. Шу сабабли вирдлар ва зикрларни кўпайтириш билан нафсларини жазолаганлар.

Нафс токи уни жазолаб, сарҳисоб қилиб, унга қарши қаттиқ курашмагунингизгача тўғри йўлга юрмайди.

Нафсни жазолашга ёрдам берадиган нарсалардан бири - нафсга қарши жидду-жаҳд қилган кишиларнинг хабарлари хақида фикр юритишдир.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ قالَ قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ قامَ بِعَشْرِ آيَاتٍ لَمْ يُكْتَبْ مِنْ الْغَافِلِينَ وَمَنْ قامَ بِمِائَةِ آيَةٍ كُتِبَ مِنْ الْقَانِتِينَ وَمَنْ قامَ بِأَلْفِ آيَةٍ كُتِبَ مِنْ الْمُقَنْطِرِينَ (رواه أبو داود)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Ким ўн оят билан (тунги намозда) қоим бўлса, ғофиллардан деб ёзилмайди. Ким юз оят билан қоим бўлса, ибодат - итоатли бандалардан деб, ёзиб қўйилади. Ким минг оят билан қоим бўлса, ҳақиқий бадавлат яъни, кўп ажрлар жамлаган бандалардан деб китобат қилинади»*,- деб марҳамат қилдилар.*[20]

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтган эканлар:

«Уч нарса бўлмаганда эди, бир кун ҳам яшашни ҳоҳламаган бўлардим: жазирама кунларда (рўза тутиш билан) Аллоҳ учун ташналик, кечанинг ярмида Аллоҳ учун сажда қилиш ва ширин меваларни танлаб олгани каби гўзал сўзларни саралаб оладиган дўстлар билан ҳамсуҳбат бўлиш».

Қосим ибн Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Бир куни эрталаб зиёратга чиқдим. Зиёратга чиқсам аввало Оиша онанинг ҳузурларига кириб, у кишига салом берардим. Кунлардан бирида у кишининг олдиларига кирсам, чошгоҳ намозида мана бу:

(فَمَنَّ اللَّهُ عَلَيْنَا وَوَقَانَا عَذَابَ السَّمُومِ)

[20] Имом Абу Довуд ривояти.

«Мана, Аллоҳ бизларга марҳамат кўргузди ва самумдан (яъни, баданларни илма-тешик қилиб юборадиган дўзахий шамолдан**) сақлади»**[21] *оятини ўқиб турган эканлар. У киши оятни қайта-қайта ўқир, йиғлаб дуо қилардилар. Мен эса кўп туриб қолиб малолландим ва баъзи бир нарсаларни харид қилиш учун бозорга чиқиб кетдим. Бозордан бўшаб яна у кишининг ҳузурларига қайтдим. Аммо у киши ҳали ҳам ўша ҳолатда оятни қайтариб, йиғлаб дуо қилаётган эканлар. Шунда мен у кишини шу ҳолатда тарк қилиб, чиқиб кетдим.»*

Сарҳисобнинг фойдалари:

Албатта киши ўз нафсини сарҳисоб қилиши билан айбларини аниқ билиб олади. Киши токи ўз нафсини ёмон кўрмагунича ва Аллоҳнинг ҳақ-ҳуқуқлари, неъматлари қаршисида камситмагунича ҳеч қачон оқил инсон бўла олмайди.

Салафлардан баъзилари Арафотда дуо қила туриб: *«Эй Аллоҳ, мен туфайли бошқаларнинг дуоларини қайтармагин»* - дейишаркан.

Муҳаммад ибн Восеъ раҳимаҳуллоҳ айтар эканлар:

«Агар гуноҳларнинг ҳиди бўлганда эди, бирон кимса ёнимда ўтиришга тоқат қила олмас эди». Ҳолбуки, у киши бу уммат ичидаги буюк ибодатгўй кишилардан бири эдилар.

Юнус ибн Убайд раҳимаҳуллоҳ:

«Албатта мен яхши ҳислатлардан юзтасини топаман ва лекин, улардан биронтасини ҳам ўзимда борлигини билмайман» – деган эканлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

«Эй Аллоҳ, менинг зулмим ва куфримни мағфират қилгин» -- деганларида бир киши бу сўзни эшитиб:

- Эй мўъминларнинг амири, зулмни биламан, лекин, куфр нима?— деб сўради. Шунда Умар*:*

(إِنَّ الْإِنسَانَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ)

«Ҳақиқатан инсон зоти ўта золим ва жуда ношукрдир»[22] - деган оятни ўқидилар.

---

[21] «Ват-Тур»: 27-оят

[22] «Иброҳим»: 34-оят.

Агар инсон салафи-солиҳларнинг ҳолига чуқур назар солса, ўзининг аҳволини ва улар билан ўзи ўртасида катта фарқ, узоқ масофа борлигини билади.

Демак, сарҳисоб қилишда қуйидаги фойдалар мавжуд экан:

1. Бир ҳолатни иккинчиси билан тенглаб, катта-катта айбларни ошкор этиш.

2. Инсон айблари ҳақида тафаккур юритиб, амалига қўшилиб кириб қолган мағрурлик, такаббурлик каби иллатларни пайқайди ва нафси ҳалокат ёқасига келиб қолганини ва у ҳар қанча амал қилмасин, барибир, қосир банда эканини тушуниб етади.

3. Аллоҳ азза ва жалладан қўрқиш.

Сарҳисоб қилишга кўмак берувчи нарсалардан яна бири Аллоҳ таолонинг бандалари устидан назорат қилиб туришлиги ва ҳеч бир нарса унга махфий эмаслигини ҳис этмоқлигидир.

(وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَنَعْلَمُ مَا تُوَسْوِسُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ)

«Аниқки, инсонни биз яратганмиз, (демак) **унинг нафси васваса қиладиган** (яъни, кўнглидан ўтган барча) **нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз».**[23]

Сарҳисоб қилишдаги муҳим ишлардан яна бири бу қиёмат кунида бўладиган сўроқ-саволлар ҳақида ва албатта қиёмат кунида сўралишингиз ҳақида фикр юритишдир.

(لِيَسْأَلَ الصَّادِقِينَ عَنْ صِدْقِهِمْ)

«У ростгўйлардан (қиёмат кунида) ростгўйликлари ҳақида сўраш учун..» [24]

Агарда Аллоҳ таоло ростгўйлардан ростгўйликлари ҳақида сўрайдиган бўлса, бошқа кимсалар ҳақида нима дейиш мумкин?

(فَلَنَسْأَلَنَّ الَّذِينَ أُرْسِلَ إِلَيْهِمْ وَلَنَسْأَلَنَّ الْمُرْسَلِينَ)

«Энди, албатта уларга пайғамбар юборилган кишилар билан ҳам, юборилган пайғамбарлар билан ҳам савол-жавоб қилурмиз.» [25]

Ҳаттоки, Пайғамбарлар ҳам сўралишади!!!

---

[23] «Қоф»: 16-оят.
[24] «Аҳзоб»: 8-оят.
[25] «Аъроф»: 6-оят.

Сўзимиз охирида Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан бизларни ўзларини сарҳисоб қилувчи бандаларидан қилиши ва Охиратдаги ҳисоб-китобимизни осон қилишини илтижо қилиб қоламиз. Омийн!